



Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти

# ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК МЕЗОН

## Келиб Чиқиши

Иқтисод ва атроф-муҳит билан боғлиқ масалалар ташкилотнинг хавфсизликка бўлган кенг қамровли ёндошувини ўзида акс эттириб, ҳамisha ЕХХТ кун тартибининг ажралмас қисми бўлиб келган.

1975 йили, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХХК) иштирокчи-давлатлари Хелсинки Якуний Актида ўз маслаklarини қуйидагича ифода этдилар: “Савдо, саноат, фан ва технология соҳаларида, атроф-муҳит ҳамда иқтисодий фаолиятнинг бошқа жабҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар Европа ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга улкан хисса қўшади”. Мазкур масалалар Хелсинки Якуний Актининг “иккинчи саватини” ташкил этди ва ўшандан буён Иқтисодий ва Экологик Мезон (ИЭМ) номи билан юритила бошланди.

1990 йил Бонн шаҳрида бўлиб ўтган Европада Иқтисодий Ҳамкорлик Анжумани ЕХХК ва кейинроқ эса, ЕХХТ иккинчи мезонининг тараққий этишига ижобий таъсир кўрсатган энг аҳамиятли воқеалардан бири бўлди. Иштирокчи-давлатлар ўзларини бозор иқтисодиёти тамойиллари тарафдори эканликларини ифода этиш орқали соғлом иқтисодий ҳамкорликка йўл очдилар. Авваллари иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликка тўсқинлик қилган чуқур тафовутлар “темир парда”нинг қулаши билан ўз ниҳоясига етди.

ЕХХТ хавфсизликка бўлган кенг қамровли ёндошувининг бир қисми сифатида иқтисодий ва атроф-муҳит масалаларига эътибор қаратади ва ушбу жабҳалардаги ҳамкорлик тинчлик, тараққиёт ва барқарорликка ўз хиссасини қўшади деб ишонади. Самарали равишда ҳал этилмаган иқтисодий ва экологик муаммолар мамлакатлар ичидаги ёки улар орасидаги зиддиятларнинг ошишига олиб келади.

Марказдан бошқарилувчи иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни қийинчиликлари ва хавфсизликка солинаётган иқтисодий ҳамда экологик таҳдидларнинг тез суратлар билан ортиб бораётганлигига юз тутган иштирокчи-давлатлар, ЕХХТнинг ушбу соҳадаги ролини оширишга қарор қилдилар.

Ушбу жараён натижасида, иккинчи мезон, қуйидагиларни ташкил этиш орқали институционал ҳолатга келди:

- Йиллик Иқтисодий Форум (1992 йил);
- ЕХХТнинг Иқтисодий ва Экологик Фаолиятларини Мувофиқлаштирувчиси Идораси (1997 йил);
- Доимий Кенгашнинг Иқтисодий ва Экологик масалалар бўйича Суб-қўмитаси (2001 йил).

## Иқтисодий ва Экологик Мезон учун ЕХХТ Стратегик Ҳужжати

2003 йилнинг декабрида иштирокчи-давлатлар, Маастрихтдаги Вазирлар Кенгашида “Иқтисодий ва Экологик Мезон учун ЕХХТ Стратегик Ҳужжати”ни қабул қилдилар. Ушбу ҳужжатда иштирокчи-давлатлар сўнги ўнг йиллик мобайнида юзага келган хавфсизликка таҳдид солувчи унсурларга қарши

курашиш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик олиб бориш, самарали бошқарувни йўлга қўйиш, барқарор тараққиётни таъминлаш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш жабҳаларида бир қатор мажбуриятлар бўйича келишиб олдилар.

Мавжуд таҳдидлар орасида мамлакатлар ичидаги ва улар орасидаги катта иқтисодий тафовутлар, оммавий қашшоқлик, юқори даражадаги ишсизлик, коррупция, қонун устиворлигини таъминлашнинг ва бошқарувнинг заифлиги алоҳида эътиборга молик. Ушбу омиллар сармоялар кириб келишига тўсиқ бўлиш, иқтисодий ўсишга ҳалақит бериш ҳамда ноқонуний иқтисодий фаолиятларга ва ноқонуний миграцияга йўл бериш орқали хавфсизликка таҳдид солади. Шу билан бир қаторда улар терроризм, экстримизм, халқаро уюшган жиноятчилик, инсонлар савдоси, наркотик моддалар ва кичик ва энгил ҳарбий қуроллар контрабандаси каби глобал таҳдидларга ўз хиссасини қўшиши мумкин. Экологиянинг бузилиши, табиий ресурсларнинг етишмаслиги, уларни нотўғри бошқарилиши ва тақсимланиши ҳамжамиятлар ва мамлакатлар орасида қўшимча зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин.

## ЕХХТнинг Иқтисодий ва Экологик Фаолиятларини Мувофиқлаштирувчи Идораси (ИЭФМИ)

### Мувофиқлаштирувчи

1997 йилнинг ноябр ойида 55 та иштирокчи-давлат ЕХХТ Котибияти таркибида ЕХХТ Иқтисодий ва Экологик Фаолиятлари Мувофиқлаштирувчиси лавозимини таъсис этишга аҳд қилдилар.

Амалдаги Раисга ёрдамчи сифатида фаолият юритувчи Мувофиқлаштирувчи, Иқтисодий ва Экологик Суб-қўмита орқали Доимий Кенгашнинг хавфсизликнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлари билан иш олиб бориш қобилиятини кучайтиришга масъулдир. Мувофиқлаштирувчи, иштирокчи-давлатларга ўз мажбуриятларини адо этишда кўмаклашар экан, асосий эътиборни ЕХХТнинг иккинчи Мезон учун Стратегик Хужжатида белгиланган устивор мақсадларга эришишга қаратади.

Ҳозирги кунда Мувофиқлаштирувчи ўн иккита ходимга эга.

### ИЭФМИнинг асосий вазифалари

Мувофиқлаштирувчи идораси қуйидаги мақсадларга эришишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган:

- Иштирокчи-давлатларни ҳар қандай низо таҳлиқаси хусусида огоҳлантириш мақсадида,

- хавфсизликка таҳдид солувчи иқтисодий ва экологик (ИЭ) хавф-хатарларни аниқлаш;
- Сиёсат ишлаб чиқувчиларнинг хавфсизликка бўлган ИЭ таҳдидлар хусусида огоҳлигини ошириш;
- ИЭ йўналиши бўйича яъгона меъёр ва нормаларни ишлаб чиқишни ва уларга қатъий риоя қилишни тарғиб этиш;
- Хавфсизликни тарғиб этувчи ИЭ сиёсатини ишлаб чиқаришга ёрдам бериш;
- ЕХХТнинг жойлардаги фаолиятларида ИЭ таркибий қисмларини кучайтириш;
- Фаолиятлар ва лойиҳалар орқали муаммоларни ечиш учун зарур бўлган аниқ ҳаракатларга чорловчи катализатор вазифасини бажариш;
- Тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва уларнинг эътиборини аниқланган хавфсизлик муаммоларига қаратиш;
- Манфаатдор томонлар биргаликда йиғилиб, муаммони ечишга амалий равишда ва ҳамкорлик асосида ёндоша оладиган нейтрал муҳитни тақлиф этиш.

## Жойлардаги Иқтисодий ва Экологик масалалар бўйича Ходимлар

ИЭ масалаларни хавфсизликка алоқадор маътнда хал этишда жойлардаги Иқтисодий ва Экологик масалалар бўйича фаолият юритувчи ходимлар муҳим рол ўйнайди.

Мазкур ходимлар давлат, хусусий сектор, жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият вакиллари билан мунтазам равишдаги мулоқот ва алоқалари орқали маҳаллий иқтисодий ва экологик ҳолатлар бўйича барометр вазифасини бажарадилар.

Шунингдек улар иштирокчи-давлатларнинг иккинчи мезон доирасидаги хавфсизликка солинаётган таҳдидларга қарши курашларида ёрдам бериш учун лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Мувофиқлаштирувчи Идораси жойлардаги ходимлар фаолиятига бош бошқарма даражасида сиёсий ёрдамни сафарбар қилиш, алоқалар билан таъминлаш ва маблағларни кўпайтириш орқали ёрдам беради.

## Иқтисодий ва Экологик Мезондаги Фаолиятлар

Катализатор фаолиятлар орқали Мувофиқлаштирувчи Идораси иштирокчи-давлатларга ИЭ бўйича олган мажбуриятларини адо этишда маслаҳат ва ёрдам беради. Ушбу фаолиятларнинг мақсади марказдан бошқарилувчи иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишга

ёрдамлашиш ва хавфсизликка бўлган ИЭ таҳдидларга қарши фаолият юритишга қаратилган. Улар бозор иқтисодиёти тамойилларини тарғиб этиш, иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашиш, самарали бошқарувни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

- Минтақавий ва глобал иқтисодий интеграцияга ва савдога кўмаклашиш ҳамда жахон бозорларига чиқишга ёрдам бериш;
- Бизнес учун мойил бўлган, инвестицияларни жалб қилувчи ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватловчи муҳитни яратиш;
- Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;
- Таъсирга мойил бўлган гуруҳларга имкониятлар яратиш ва ривожланмаган соҳаларда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш;
- Иқтисодий ўтиш жараёнидаги давлатларда инсон салоҳиятини ва тадбиркорона фикрлашни ривожлантириш;
- Коррупцияга қарши курашиш учун оммавий ишларда ошкоралик ва масъулиятни кучайтириш;
- Ноқонуний иқтисодий фаолиятга ва терроризмни молиялашга қарши курашиш
- Хавфсизликка таҳдид солувчи экологик хавф-хатарларни заифлантирувчи ҳаракатларни амалга ошириш ва атроф-муҳитдан давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланиш;
- Фуқароларнинг ахборот олиш ва ўз атроф-муҳитлари хусусида қарор қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқларини рағбатлантириш (Аархус Конвенцияси).

## Жорий Лойиҳалар

ИЭФМИ ва жойлардаги ходимлар қуйидаги каби лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамкорлик қиладилар:

- Инсонлар савдосини олдини олишда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги бўйича анти-траффик дастур;
- Пулларнинг ноқонуний айланиши ва терроризмни молияланишига қарши курашиш бўйича миллий семинарлар;
- БМТнинг коррупцияга Конвенциясини тарғиб қилиш;
- Коррупцияга қарши курашдаги илғор амалиётлар бўйича қўлланма;
- Ёшлар тадбиркорлиги бўйича семинарлар;
- “Ишга ёллашдаги адолат” лойиҳаси;
- Жанубий Кавказдаги “Дарёлар сувининг ишлатишни кузатиш” лойиҳаси;
- Экология ва Хавфсизлик Ташаббуси ([www.envsec.org](http://www.envsec.org));
- Чу ва Талас дарёларида икки томонлама, чегаралараро сув қўмитасини ташкил этиш лойиҳаси.

## Иқтисодий ва Экологик Суб-қўмита

Доимий Кенгашнинг Иқтисодий ва Экологик Суб-қўмитаси ЕХХТнинг 2001 йил декабр ойида Бухарестда бўлиб ўтган Тўққизинчи Вазирлар Кенгашида таъсис этилди. Суб-қўмита:

- ИЭМ фаолиятлари ва устивор вазифаларини муҳокама қилиш имконини беради;
- ИЭФМИ ишига раҳнамолик қилади;
- ИЭМда амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳисобот беради;
- Бошқа тегишли халқаро институтлар билан билим ва тажриба алмашишни, мувофиқлаштиришни, ва ҳамкорликни йўлга қўйишга ёрдамлашади.

## Иқтисодий Форум (ИФ)

1992 йил Прагада бўлиб ўтган Кенгаш Йиғилишида ЕХХҚ иштирокчи-давлатлар Вазирлари демократия ва барқарорликни шакллантиришда муҳим ҳисобланувчи эркин бозор иқтисодиётига ўтишга ва уни ривожлантиришга ЕХХҚ (ҳозир ЕХХТ) эътиборини тобора кўпроқ қаратиш мақсадида, йиллик Иқтисодий Форум ташкил этишга қарор қилдилар.

Ҳозирда ҳар бир Форумдан олдин учта тайёргарлик Семинарлари ўтказилади. Иқтисодий ва Экологик Мезоннинг асосий тадбири бўлган Форум, фаолиятларга йиллик эътиборни қаратади. Иқтисодий ва атроф-муҳит йўналишларидаги асосий муаммоларни эътиборга олган ҳолда, Форум, махсус тавсиялар ва издош фаолиятларни ишлаб чиқишда ўз хиссасини қўшади. Шу билан бирга, Форум, ўзининг йиллик йиғилиш таҳлил сессиясида иштирокчи-давлатларни асосий ҳужжатларда келтирилган мажбуриятларни қай даражада бажараётганликларини кўриб чиқади.

## Бўлиб ўтган ЕХХТ Иқтисодий Форумларининг Мавзулари:

2004 й., 12-ИФ: Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик учун институционал ва инсон салоҳиятларини шакллантиришнинг янги муаммолари

2003 й., 11-ИФ: Инсонлар савдоси, наркотик моддалар, кичик ва енгил ҳарбий қуроллар контрабандаси: Миллий ва халқаро иқтисодий таъсир

2002 й., 10-ИФ: ЕХХТ маътнида сувдан барқарор фойдаланиш ва унинг сифатини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик

2001 й., 9-ИФ: Иқтисодий масалаларда ошкоралик ва самарали бошқарув

2000 й., 8-ИФ: Низодан кейинги тикланишнинг иқтисодий жиҳатлари: Ўтишдаги муаммолар  
 1999 й., 7-ИФ: Атроф-муҳит соҳасида хавфсизлик масалалари  
 1998 й., 6-ИФ: ЕХХТ ҳудудида энергетика ривожланишининг хавфсизликка оид жиҳатлари  
 1997 й., 5-ИФ: Бозор иқтисодиёти ва қонун устуворлиги  
 1996 й., 4-ИФ: Хавфсизликнинг иқтисодий жиҳатлари ва ЕХХТнинг роли  
 1995 й., 3-ИФ: Минтақавий, суб-минтақавий ва чегаралароша ҳамкорлик, савдони рағбатлантириш, инвестиция ва инфратузилманинг ривожланиши  
 1994 й., 2-ИФ: Демократик бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни  
 1993 й., 1-ИФ: Демократик бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни

## Лойиҳани Қўллаб-Қувватлаш Бўлинмаси

Иккинчи Мезон доирасидаги лойиҳалар бўйича ишлар аҳамиятининг кескин ўсиб бориши Мувофиқлаштирувчи Идорасида Лойиҳани Қўллаб-қувватлаш Бўлинмаси (ЛҚБ) ташкил этилишига олиб келди. Унинг вазифаларига лойиҳани ишлаб чиқиш, амалга ошириш, ҳисобот бериш ва маблағ билан таъминлаш босқичларида Идорадаги ва жойлардаги Лойиҳа Ходимларига ёрдам беришдан иборат.

Бўлинма ИЭФМИ жойлардаги вакиллари ўртасида билим ва тажриба алмашинувини қўллаб-қувватлайди ва амалга оширилган, оширалаётган лойиҳалар ва модел лойиҳаларнинг институционал рўйхатини яратиш билан шуғулланади.



ИЭФМИ Фаолияти бўйича Йиллик Ҳисобот ЕХХТ Иқтисодий Форуми билан бир вақтда тақдим этилади.  
 ИЭФМИ Фаолияти бўйича мунтазам ҳисоботлар билан ЕХХТ Журналида танишиш мумкин.  
 ИЭФМИ хусусида қўшимча маълумот учун қуйидаги Интернет саҳифага мурожаат қилинг:  
[www.osce.org/eea](http://www.osce.org/eea)

ЕХХТнинг иқтисодиёт ва атроф муҳит бўйича фаолиятларни мувофиқлаштирувчиси идораси

OSCE Secretariat/OCEEA • Karntner Ring 5-7 • A-1010 Vienna, Austria  
 Tel.: (+43-1) 514 36 151 • Fax: (+43-1) 51436 96 • E-mail: pm-ceea@osce.org